

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 20 ” сентябрь №ПҚ-4463 “ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги
фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Агентликнинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

бошқарув ходимларининг чекланган сони 20 нафардан иборат **Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармаларининг (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) намунавий тузилмалари ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида 2020–2025 йилларда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш дастури 4-иловага мувофиқ;

2020–2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш дастури 5-иловага мувофиқ;

2023–2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш дастури 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Агентлик марказий аппарати ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари тузилмасига қўшимча киритилаётган штат бирликлари тегишли бюджет ташкилотлари штат бирликлари сонини кераклигича қисқартирган ҳолда, уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

2. **Агентликнинг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш ва назоратни амалга ошириш;

Миллий архив фондининг ҳужжатларини жамлаш, уларнинг сақланишини, давлат ҳисобига олинишини таъминлаш ва улардан кенг фойдаланиш;

давлат архивларини бошқариш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторини янада ривожлантириш, архив иши соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

архившунослик, археография, иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида илмий, методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини республика архивлари амалиётига жорий этиш;

замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни малакасини ошириш тизимини шакллантириш;

архив иши ва иш юритиш соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, хорижий архивларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини олиб келиш.

3. Агентлик директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари тузилмаларига бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида, уларга истисно тариқасида Архив ишини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда, жалб қилиш.

4. Белгилансинки, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари ўз ваколати доирасида архив ҳужжатларини топширишнинг, сақлашнинг, улардан фойдаланишнинг, худди шунингдек архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизматлар кўрсатишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолатлари юзасидан **маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.**

5. Белгилаб кўйилсинки, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида (кейинги ўринларда – Марказ):

архив иши ва иш юритишнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар архивчи ва иш юритувчи кадрларини **уч йилда камида бир марта малакасини ошириш;**

бошқа соҳа мутахассисларининг архив иши ва иш юритиш бўйича билимларини ошириш юзасидан ўқишлар ташкил этиш;

архив иши ва иш юритишга оид республика ва халқаро миқёсда семинарлар, конференциялар, анжуманлар ташкил этиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш;

архивчи ва иш юритувчи кадрларни малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари амалга оширилади.

6. Қуйидагилар **Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари** этиб белгилансин:

давлат архивлари пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг **20 фоизи** миқдоридаги йиллик мажбурий ажратмалар;

Марказнинг пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг **30 фоизи** миқдоридаги ажратмалар;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, **Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланади:**

давлат архивларининг бинолари ва сақловхоналарини таъмирлаш ҳамда қуриш;

давлат архивларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва хавфсизлик тизимларини жорий қилиш;

хорижий давлатлардан Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини қайтариш;

архив иши соҳасида турли конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари ходимларини хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотлари ходимларига мамлакатда ва хориждаги хизмат сафарлари харажатларини тўлаб бериш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар.

7. Агентлик директориغا Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалар ходимларига асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим маошларига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъий назар, устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

8. Белгилансинки, 2019 йил 1 октябрдан:

Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффиценти 1,6 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;

Агентлик марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари ходимларига соҳада узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақига устама ҳақ тўланади.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги икки ой муддатда Ўзбекистон миллий архивлари биноси қурилиш даврида Агентликни давлат тасарруфидаги бўш турган объектларга вақтинчалик жойлаштиришга кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги;

архив иши ва иш юритиш ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби;

Архив ишини ривожлантириш жамғармаси;

Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

11. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев


Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлигининг
ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ–4463-сон қарорига
2-илова


Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 20 нафар.

Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари
намунавий тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 50 нафар, шу жумладан, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларида – 4,5 та Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида – 3,5 та, Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида – 3 та штат бирлиги.

Хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони ўрнатилган нормативларга мувофиқ белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасида 2020–2025 йилларда архив иши ва иш юритишни янада ривожлантириш
дастури**

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Архив иши ва иш юритишнинг норматив ва услубий базасини такомиллаштириш					
1.	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш.</p> <p>Қонун лойиҳаси қуйидагиларни назарда тутди:</p> <p>нодавлат архивларнинг фаолиятини ривожлантириш;</p> <p>ҳужжатларини Миллий архив фондида доимий сақлаш ҳуқуқи берилган вазирлик ва идоралар архивларининг мақомини белгилаш;</p> <p>архив биноларини тасарруфдан чиқаришга бўлган талабларни белгилаш;</p> <p>ташкilotлар томонидан архив ҳужжатларини давлат архивларига электрон нусхалари билан топшириш мажбуриятини белгилаш;</p> <p>архив ҳужжатларининг электрон нусхаларини яратиш тартибини белгилаш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Қонуни	2020 йил 1 март	–	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), тегишли вазирлик ва идоралар
2.	<p>Давлат архивлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг ягона нархномасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2020 йил 1 апрель	–	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>), тегишли вазирлик ва идоралар

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
3.	<p>Архив иши соҳасида сулолалар давомийлигини таъминлаш, архив ходимларининг ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш, жумладан:</p> <p>қариндош-уруғларнинг бирга ишлашларини чеклаш тўғрисидаги қоидалардан истисноларга йўл қўйилиши мумкин бўлган давлат корхоналари ходимларининг рўйхатига қўшимча киритиш;</p> <p>давлат архивлари пуллик хизматларидан тушадиган маблағларнинг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига 50 фоизгача қисмини сарфлашга рухсат бериш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2020 йил 1 май	—	<p>“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р.Давлетов</i>), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (<i>Э.Мухитдинов</i>), тегишли вазирлик ва идоралар</p>
4.	<p>“Бирхиллаштирилган ҳужжатлар тизими. Коммуникатив форматда ахборотни ёзиш” ҳамда “Бирхиллаштирилган ҳужжатлар тизими. Электрон воситаларда, машина ташувчиларда ва машинограммаларда яратиладиган ҳужжатларга юридик куч бериш. Умумий қоидалар” Давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.</p>	Норматив ҳужжат	2020 йил 1 октябргача	Бюджетдан ташқари маблағлар	<p>“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), “Ўзстандарт” агентлиги (<i>Д.Саттаров</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>)</p>
5.	Доимий сақловга олинмаган ҳужжатлар таркибини оптимизация қилиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2021 йил 1 январгача	—	<p>“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), вазирлик ва идоралар</p>
6.	Шахсий таркиб ҳужжатларини сақлаш муддатларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	Таҳлилий маълумотнома	2021 йил 1 январгача	—	<p>“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), вазирлик ва идоралар</p>
II. Давлат архивлари биноларини қуриш ва техник жиҳозлаш					
7.	2020–2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш.	2020–2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш дастури	2020–2025 йиллар давомида	Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган маблағлар	<p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б.Ходжаев</i>), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С.Умурзаков</i>),</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
					Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), “Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
8.	2023–2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш.	2023–2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш дастури	2023–2025 йиллар давомида	Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган маблағлар	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров), “Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
9.	Давлат архивлари ва сақловхоналарни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар , жумладан мобил стеллаж, замонавий қўриқлаш тизими, газли ёнғин ўчириш автоматик қурилмалари тизими, сервер, тармоқ ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш қурилмалари билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2020–2025 йиллар давомида	Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган маблағлар	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзаков),

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
					<p>Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>), Курилиш вазирлиги (<i>Б.Зокиров</i>), “Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
10.	<p>Миллий архивларни алоҳида қимматли ҳужжатлар реставрацияси бўйича замонавий ускуналар билан таъминлаш ҳамда рақамлаштириш ускуналари билан жиҳозлаш, шу жумладан 200 та ҳужжатларни рақамлаштириш (электрон шаклга ўтказиш) учун сканер, 1 та фильм-сканер, 3 та сервер, 200 та компьютер қурилмалари билан таъминлаш, шунингдек 3 та реставрация лабораторияларини ташкил этиш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар	2022–2025 йиллар давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молиявий институтлар маблағлари	<p>Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>), “Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
III. Архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш					
11.	<p>Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази (кейинги ўринларда – Марказ) фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан: Марказ низомини тасдиқлаш ҳамда уни давлат рўйхатидан ўтказиш; Марказни зарур ўқув ва лаборатория ускуналари, мебель ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш; Марказни юкланган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш; Марказнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2019 йил 1 декабргача	Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молниялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
12.	Янги технологиялар ва методологияларни қўллаган ҳолда архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш.	Ўқув курси дастурлари, малака ошириш графиги	Тасдиқлаш 2019 йил 1 декабргача Амалга ошириш 2020–2025 йиллар давомида	–	“Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов)
13.	Касбий тайёргарлик ва квалификация даражасини аниқлаш мақсадида давлат архивлари раҳбарлари ва ходимларининг аттестациясини ўтказиш.	Аттестация ўтказиш графиги	Тасдиқлаш 2019 йил 1 ноябргача	–	“Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов)
IV. Архив иши ва иш юритиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш					
14.	“Архив иши” ягона ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.	Ахборот тизими	2021 йил 1 апрелгача	Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	“Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов), Молия вазирлиги (Т.Ииметов), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Д.Ли)
15.	2020–2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш дастури доирасида республика миллий архивларида 30 тадан , вилоят давлат архивларида 10 тадан штат бирлигидан иборат архив хужжатларини рақамлаштириш (электрон шаклга ўтказиш) секторларини ташкил этиш ҳамда мутаносиб равишда рақамлаштириш қурилмалари билан таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар	2022–2025 йиллар давомида	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети	Молия вазирлиги (Т.Ииметов), “Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
16.	Қуйидаги давлат хизматларини Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини жорий қилиш: ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш;	Чора-тадбирлар дастури	2020 йил 1 июнь	Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар,	“Ўзархив” агентлиги (У.Юсупов), Адлия вазирлиги (Р.Давлетов), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (Д.Ли)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	<p>иш стажини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш; иш ҳақини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумотномасини бериш; араб алифбосида яратилган туркий, форсий ва арабча ҳужжатлардаги ахборотлар бўйича аннотация маълумотларини тайёрлаб бериш; архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш). Интернет тизими орқали, шу жумладан банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда архив иши соҳасида кўрсатиладиган хизматларни онлайн тўловини амалга ошириш тизимини жорий этиш.</p>		<p>2022 йил 1 январь</p>	<p>халқаро молиявий институтлар маблағлари</p>	
17.	<p>“Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот тизимлари ва электрон базаларни яратиш ва ривожлантириш, шу жумладан: давлат архивларининг рақамлаштирилган архив ҳужжатларидан фойдаланиш бўйича ягона ахборот тизимини яратиш; рақамлаштирилган (электрон нусхаси олинган) ҳужжатларнинг электрон базасини яратиш; давлат архивлари архив фондларининг электрон базасини яратиш; ташкilotлар ва идораларнинг қидирув тизими ва ахборот базасини такомиллаштириш; архивларни “Электрон ҳукумат” ягона идентификаторлари билан интеграциялаш.</p>	<p>Ахборот тизими</p>	<p>2020–2025 йиллар давомида</p>	<p>Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>), Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (<i>Д.Ли</i>)</p>
18.	<p>Архивлар ахборот тизимлари инфратузилмасини модернизация қилиш, компьютер ҳамда телекоммуникация инфратузилмасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.</p>	<p>Чора-тадбирлар дастури</p>	<p>2020–2025 йиллар давомида</p>	<p>Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т.Ишметов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Содиқов</i>)</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
V. Архив ҳужжатларидан фойдаланишни такомиллаштириш					
19.	<p>“Ўзархив” агентлиги ва Маданият вазирлиги ҳамкорлигида қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирларни амалга ошириш:</p> <p>музейларда сақланаётган архив ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳисоби бўйича маълумотларни Миллий архив фонди Давлат каталогига киритиш;</p> <p>музейлар ва давлат архивлари ҳамкорлигида мавзули лойиҳалар тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш;</p> <p>халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган маданий мерос объектларини сақланишига доир анжуманларда ўзаро ҳамкорлик олиб бориш.</p>	Чора-тадбирлар дастури	<p>Тасдиқлаш 2020 йил 1 январгача</p> <p>Амалга ошириш 2021 йил 1 апрелгача</p>	–	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Маданият вазирлиги (<i>Б.Сайфуллаев</i>)
20.	Давлат архивларида сақланаётган тарихий давр (1917 йилгача) архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш бўйича чоралар кўриш.	Чора-тадбирлар дастури	2020 йил 1 июнгача	–	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Давлат хавфсизлиги хизмати (<i>А.Азизов</i>)
21.	Давлат архивлари сақловида бўлган шахсий таркиб ҳужжатларини шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларига ўтказиш чораларини кўриш , шу жумладан 2019 йил якунига қадар – камида 10 фоизини ўтказиш, 2020 йил якунига қадар – 40 фоизини ва 2022 йил якунига қадар – 100 фоизини .	Ташкилий чора-тадбирлар дастури	2019–2022 йиллар давомида	–	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (<i>Ғ.Холжигитов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари
22.	“Ўзархив” агентлиги тизимидаги давлат архивларида сақланиб келинаётган Миллий архив фондининг алоҳида қимматли ва ноёб (қоғоз шаклидаги, кино, фото ва овоз) ҳужжатлар кўргазмалари ташкил этиш.	Режа-жадвал	Доимий	Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>), Маданият вазирлиги (<i>Б.Сайфуллаев</i>)

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Молниялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
23.	Алоҳида қимматли ва ноёб архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотларни “Ўзархив” агентлиги ва миллий архивлар веб-сайтлари орқали ёритиб бориш.	Чора-тадбирлар дастури	Доимий	Архив ишини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар	“Ўзархив” агентлиги (<i>У.Юсупов</i>)

Изоҳ:

1. Чора-тадбирларни амалга ошириш шакли ўзгариши, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар эса, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш предмети ва соҳасидан келиб чиққан ҳолда бирлаштирилиши мумкин;
2. Икки ва ундан ортиқ бандлар бирлаштирилганда ушбу бандлар учун белгиланган энг кеч муддат ижро муддати этиб белгиланади.

**2020–2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини қуриш
дастури**

Т/р	Муассасалар номи	Қуввати (минг сақлов бирлиги)	Шу жумладан, йиллар бўйича					
			2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Республика миқёсидаги муассасалар								
1.	Ўзбекистон миллий архивлари биноси қуриш ҳамда уларни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш (мазкур бинода Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Кинофотофоно ҳужжатлар миллий архиви, Илмий техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви жойлашади).	4 000	+					
Наманган вилояти								
2.	Наманган вилояти давлат архиви биносини қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	600	+					
Қорақалпоғистон Республикаси								
3.	Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	250		+				
Самарқанд вилояти								
4.	Самарқанд вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	500		+				

Т/р	Муассасалар номи	Қуввати (минг сақлов бирлиги)	Шу жумладан, йиллар бўйича					
			2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Тошкент шаҳри								
5.	Тошкент шаҳар марказий давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	300			+			
Тошкент вилояти								
6.	Тошкент вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	450			+			
Фарғона вилояти								
7.	Фарғона вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	300			+			
Сирдарё вилояти								
8.	Сирдарё вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	250				+		
Хоразм вилояти								
9.	Хоразм вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	250				+		
Андижон вилояти								
10.	Андижон вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	400					+	

Т/р	Муассасалар номи	Қуввати (минг сақлов бирлиги)	Шу жумладан, йиллар бўйича					
			2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Қашқадарё вилояти								
11.	Қашқадарё вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	300					+	
Бухоро вилояти								
12.	Бухоро вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	350						+
Жиззах вилояти								
13.	Жиззах вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	250						+
Навоний вилояти								
14.	Навоний вилояти давлат архиви учун қўшимча сақловхона қуриш ҳамда уни зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	700						+
Жами:		8 900						

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 20 сентябрдаги ПҚ-4463-сон қарорига
6-илова

**2023–2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш
дастури**

Т/р	Биноси реконструкция қилинаётган давлат архиви номи*	Шу жумладан, йиллар бўйича		
		2023 йил	2024 йил	2025 йил
Қорақалпоғистон Республикаси				
1.	Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви	+		
Жиззах вилояти				
2.	Жиззах вилояти давлат архиви	+		
Хоразм вилояти				
3.	Хоразм вилояти давлат архиви	+		
Андижон вилояти				
4.	Андижон вилояти давлат архиви		+	
Қашқадарё вилояти				
5.	Қашқадарё вилояти давлат архиви		+	
Бухоро вилояти				
6.	Бухоро вилояти давлат архиви			+
Навоий вилояти				
7.	Навоий вилояти давлат архиви			+

*) Мазкур архивлар реконструкция қилиш ишлари билан бирга зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланади.

